

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бўка тумани:

БЕШ ТАШАББУСНИНГ БЕКЎС САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбарининг ёшлар таълим-тарбияси борасида қўшимча шароитлар яратиш ҳамда хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этган бешта эзгу ташаббуси бутун мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам кенг қулоч ёзмоқда.



Эзгуликнинг қаноти бор

Ўтаётган ҳафтанинг биринчи кунидан Президентимиз топшириғига мувофиқ бошланган хайрли ташаббусларни ҳаёtgа тезкор ва изчил татбиқ этиш, яратилган дастурларнинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг таклиф ва муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган республика ишчи гуруҳи Бўка туманида иш бошлаган эди.



МАКТАБГА ВАЗИР КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни бўш вақтини самарали ташкил этишга қаратилган 5 йўналишдаги ташаббусини амалга ошириш,

ёш авлоднинг мусиқа, адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишини янада ошириш, китобхонлик ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида Бўка туманидаги 2-умумтаълим мактабига ташриф буюрди.

Мавзуга доир



Мактабнинг мусиқа зали ва кутубхонасига замонавий пианино ва ёшлар мутолааси учун турли жанрдаги ада-

биётлар тақдим этилди. Ташриф чоғида мактабнинг фаоллар зали, спорт зали, информатика хоналари

кўздан кечирилди ва дарслардаги ҳолат ўрганилди. Мактаб кутубхона фондига етарли китоблар билан

таъминланганлиги, ўқувчиларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Мактабнинг 10-синф ўқувчиси Худоевхон Ҳабибуллаев ўзи ёзган шеърни таъсирли ва ифодали ўқиб берди, "Отамнинг орзуси" номли шеърини тўпламини меҳмонларга совға қилди.

Шунингдек, мактабнинг 10-синф ўқувчиси Мавлон Бахромов Президентимизнинг 5 йўналишдаги ташаббусини инглиз тилида сўзлаб берди. Шерзод Шерматов ўқитувчи ва ўқувчилар билан мулоқотда бўлди. Ўқитувчилар томонидан мактаб учун замонавий стадион ва қўшимча бино қуриб бериш таклифи киритилди.

Ташриф сўнггида вазир мана шундай ижодкор ва китобхон ёшлар сафини кенгайтириш лозимлигини таъкидлади.

Ў.А

«Сўзумни ўқиб, англайсан ўзумни...»

Айни кунларда бутун юртимизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам Президентимиз томонидан илгари сурилган беш ташаббус асосида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга йўналтирилган маърифий анжуманлар, адабий кечалар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири кўни кеча Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди.

Соғиниб қутилган учрашувлар



Шаҳардаги мухташам "Металлург" маданият саройига китобсевар ёшлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари жамулам бўлдилар. Санъат саройи биноси фойесида янги адабий-баддий, илмий-маърифий китоблар, шаҳардаги мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг тасвирий ва амалий санъат турларига доир ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

"Китоб – қалб чироғи" мавзусидаги тадбир том маънода кўнгилларга мунававрик олиб кирди. Унда сўз олган Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳошимов, таникли адабиётшунос олим Шухрат Ризаев, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов жамиятимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган эътибор, бугунги адабий жараёнлар, чоп этилган янги ва яхши китоблар ҳақида сўзлаб, йиғилганларни ўз ижод намуналаридан баҳраманд қилдилар.

4

БАРАКА – ҲАРАКАТДА

Ўрта Чирчиқда чигит экиш жадал давом этмоқда

– Еримизнинг 70 гектарига чигитнинг "Порлоқ 4", қолган 50 гектарига "Намонган 77" новини экидик, – дейди тумандаги "Мирзакоримов Тешабой ота" фермер хўжалиги раҳбари Тешабой ота. – Экишни бир ҳафтада якунладик. Албатта, бунда техника жуда кўл келди.

Дарҳақиқат, хориждан харид қилинган замонавий пневматик чигит экиувчи сеялка ишни енгиллаштирди. Ахир, "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар", дея бекорга айтилмаганда. – Замонавий сеялкаларнинг афзал томонлари кўп экан, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Дониёр Турғунов. – Улар ишни тезлаштириб, уруғни увор қилмайди.

Об-ҳавонинг ғанимат кунларидан

унумли фойдаланаётган фермерлар орасида уйшунлик Хусниддин Умаров ҳам бор. "Хусниддин-Ф" фермер хўжалигининг 48 гектарлик далаларига пахтанинг "Намонган 77" нави экилди. Тажрибали тракторчи Хуршид Хайтинов ҳар гектар ерга 22-23 килограммдан чигит қадаб, барчага ўрناк бўлди.

Анора КАРИМОВА
Бекзод ШАҲОБУДДИНОВ
олган сурат



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Кейинги йилларда республикада аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника (кейинги ўринларда – фармацевтика маҳсулотлари) билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмапти ва импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг суи ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "O'zmedimpeks" Давлат унитар корхонасини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва уларнинг улгуржи савдоси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бўйича функцияларини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар амал қилиш муддати тугагунга қадар амалда бўлади.

2. Агентлиқнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Фармацевтика тармоғини, жумладан, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда қўмаклашиш; фармацевтика тармоғини, шу жумладан, фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан давлат томонидан бошқариш;

Маълумки, 2018 йилнинг 12 октябрь куни "Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун эълон қилинди.

□ Хабарингиз борми?

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 4 та кодекси ҳамда 2 та қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилган ўзгартиришлар уй-жой, бино, иншоотни сотиш, уларни ижарага

ҳисобга қўйилиши лозим бўлади. Худди шундай, агар тарафлардан бири талаб этмаса, фуқаролар ўртасида уй-жойни текин фойдаланишга бериш шартномаси ҳам эндиликда нотариал тасдиқланмайдиган.

Жорий йилдан "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга ҳам бир қатор қўшимчалар киритилди. Ушбу қў-

роларнинг шахсини ҳамда нотариусга мурожаат этганлик фактини аниқлаш ишларининг барчаси махсус мосламалар ёрдамида электрон шаклда амалга ошириломоқда. Бу эса нотариус ҳамда фуқароларнинг вақти тежалишига хизмат қилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, нотариал ҳаракатни амалга оширганлик учун давлат божи ҳамда нотариус томонидан кўрсатилган ҳуқуқий-техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун ҳақ ундирилади.

Бирок, Солиқ кодексига бир гуруҳ шахслар, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам-

ТАДБИРКОРДАН ИБРАТЛИ ҚАДАМ



Давлатимиз раҳбари жорий йил 19 март куни ўтказган видеоселектор йиғилишида ёшларнинг мусика, санъат ва адабиётга қизиқишини ошириш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер саводхонлиги ва интернетдан

самарали фойдаланиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш, шунингдек, хотин-қизларни иш билан таъминлашни назарда тутувчи бешта муҳим ташаббус илгари сурилган эди.

□ Ташаббус

Мазкур бешта ташаббусни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Янгийўл туманидаги "RANO DIZAYN GRAND" ўқув маркази туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ёшлар

ва хотин-қизларни бепул касб-хунарга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида дастлабки қадамни ташлади. Куни кеча ўқув марказида 60 га яқин ёшлар ва хотин-қизлар 15

та йўналиш бўйича бепул касб-хунарга ўргатилиб, уларга диплом ва сертификатлар топширилди.

Р. АХМДЖОНОВ
Р. ГАЛИЕВ
олган сурат

ИСЛОҲОТЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Чирчиқ шаҳар ҳокимлик биносига Жанубий Кореялик инвесторлар билан учрашув бўлиб ўтди. Шаҳарнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган учрашув икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлади.

Музокаралар давомида шаҳар ҳокими инвесторларга Чирчиқ шаҳрининг тарихи, унинг салоҳияти, шарт-шароит ҳамда имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Шундан сўнг меҳмонлар тақлиф қилинаётган бўш ер майдони ва кичик саноат зонасини бориб кўриб, шароит билан танишишди. Шунингдек, меҳмонлар шаҳарда-

ги корейс миллий маданий марказида ҳам бўлиб, маҳаллий корейлар билан учрашди. Музокаралар сўнггида инвесторлар вилоятимиз имкониятини юқори баҳолашди ва ўзаро узоқ муддатли ҳамкорлик лойиҳаларидан мамнун эканлигини айтишди.

©@haqiqatonline

Ижтимоий эълон

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Юридик мақомга эга бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари 1-K shaki ойлик (ташкilot фаолияти тўғрисида) ҳисоботини ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай, тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирма ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари), уларнинг алоҳида бўлиналари ва нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича) eStat 3.0 автоматлаштирилган тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишлари лозимлиги юзасидан огоҳлантириб ўтамыз.

Хисоботлар интернет тармоғи воситасида, давлат статистика хисоботларини электрон кўринишда йиғишни автоматлаштирилган тизими eStat 3.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 3.0 тизимида мавжуд давлат статистика хисоботларининг электрон шакли (шаблони) ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий веб-сайтидан олишнинг мумкин.

Давлат статистика қўмитаси оғиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика хисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, ҳисобот маълумотлари ёки хисоботларни тақдим этиш муддатларини нотўғри кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

2019 йил учун юқоридаги давлат статистика хисоботларини тақдим этувчи субъектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти www.stat.uz га қирган ҳолда у ердаги интерактив хизматлар бўлимидан шакллари рўйхат таъминотида корхона ва ташкилотнинг хос СТИР (ИНН) коддини терган ҳолда билиб олишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамыз.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

□ Эшитмадим, деманглар!

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛДИ

Энди машинанинг чирокларини кундуз кунин ҳам ёқиб юришнинг шарт!



Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" канали маълум қилди.

Унга кўра:

● светофорнинг тақиқловчи ишорасида тўхташ чизиги олдида тўхтаганда, транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиб кетмаслиги керак;

● Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимлари айрим йўл участкаларида ҳаракат тезлигини (тегишли йўл белгиларини ўрнатиш) пасайтиришга ваколатли;

● аҳоли пунктларида иккита ҳаракат бўлаги бўлган ва ўртада трамвай йўли бўлмаган бир томонлама ҳаракатли йўлларда тўхташга рухсат этилади;

● айланма ҳаракат қорраҳасида ҳаракатланаётган транспорт воситаси айланга кириб келаётган транспорт воситаларига нисбатан устуликка эга;

● куннинг ёруғ вақтида барча автомобилотранспорт воситалари яқинни ёритувчи чирокларни ёки кундузги чирокларни ёқиб ҳаракатланиш шарт;

● қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, озиқ-овқат ва шу каби тўқилувчи товарларни ташинишда юк мажбурий тартибда брезент ёки бошқа қалин мато билан ёпирилган бўлиши керак;

● велосипед ва мопед ҳайдашда рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш тақиқланади.

Йўлларда хушёр бўлинг!

ОҲАНГАРОНДА МУДҲИШ АВТОҲАЛОКАТ

Оҳангарон туманидан ўтувчи А373 "Тошкент – Ўш" автомобиль йўлининг 26-километрида "Нексия" автомобили бошқарувида бўлган 1978 йилда туғилган фуқаро Ф.М. Намангандан Тошкентга келаётиб, олдинда яна бир "Нексия"ни бошқариб бораётган, 1996 йилда туғилган фуқаро Н.А. автоуловининг орқа ён қисмига бориб урилади. Бу ҳақда вилоят ЙХБ хабар бермоқда.

Натижада, олдинда ҳаракатланиб кетаётган "Нексия" автомобили ҳайдовчиси рул бошқарувини йўқотиб, қатнов қисмини иккига ажратиб турувчи темир тўсиққа бориб урилган.

Афсуски, тўқнашув оқибатида автомобиль ичида бўлган йўловчилар – 2000 йилда туғилган А.О. ва М.У. олган тан жароҳатлари тўғрисида воқеа жойида вафот этган.

Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

©@haqiqatonline

ОҚИБАТ БОР БЎЛСИН!



Нурафшон шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан "Обод" маҳалласида яшовчи Рўзвой ота Холмирзаев ва "Нурафшон" маҳалласида истиқомат қилувчи София Нурулиева ногиронлик арава-часи тортиқ этилди.

□ Ижтимоий ҳимоя

– Шундай юртда, саховатпеша инсонлар орасида яшаётганимга шукр қиламан, – дейди Рўзвой ота. – Ўзтибор кўрсатиб, иззат-икром билан йўқлаб келишганидан бениҳоя миннатдорман.

Шунингдек, "Обод турмуш" маҳалласида яшовчи, имконияти чекланган шахсларга иқтисослаштирилган касб-хуна қоллежининг 3-босқич ўқувчиси Жаҳоҳир Худойбердиев ва Бобур номли маҳаллада яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Умиджон Аҳмедовга компьютер жамланмалари топширилди.

Отбек ИСРОИЛОВ

Бекзод ШАҲОБУДДИНОВ олган сурат

СИГИРНИНГ СУТИ – ТИЛИДА

Бугун меҳнат қилган кам бўлмапти. Чиноз туманидаги Абдумажид Садилов раҳбарлик қилаётган "Дилғиб фойз барака" фермер хўжалиги аъзолари эришяётган салмоқли натижалар бунга мисол бўла олади.

□ Қишлоқ мулкдорлари

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугун уларнинг чорвачиликни ривожлантириш борасидаги тажрибаси кўпчиликка намуна бўлмоқда. Ўзтибор фермер хўжалиги ташкил топган 2010 йили 13 гектар ер майдонига эга бўлган хўжаликда бор-йўғи 40 бош маҳаллий қорамол боқилган бўлса, бугунги кунда бу ерда парвариланаётган моллар сони 920 бошга етди, уларнинг 450 бошдан ортигини соғин сигирлар ташкил этади. Бу ҳаммаси эмас, 7 нафар ходим билан иш бошлаган жамоа аъзоларининг сафи ҳозирда 55 нафар. Тинимсиз изланиш, ишнинг тизимли равишда олиб борилиши натижада хўжаликнинг имконияти йилдан-йилга кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Фермернинг таъкидлашича, бунга моллар зотини яхшилаб бориш ҳисобига эришилди. Бугунги кунда фермада парвариланаётган қорамолларнинг 85 фоизини юқори маҳсулдор "Гольштин фриз", қолганини "Симментал" зотли қорамоллар ташкил этади. Уларни белгиланган талаб ҳамда меъёрлар асосида озиклантириш ва парвариллашда замонавий усулларни жорий этиш натижадада сигирлардан ўртача 25-26 литр

сут соғиб олинмоқда. Умуман, 2018 йилда хўжаликда ҳар бош соғин сигирнинг маҳсулдорлиги 6,5 тоннани ташкил этди. Айни пайтда икки томонлама тузилган шартнома асосида пойтахтимиздаги иқтисослашган "Молочный домик" корхонасига кунига 8,5-9 тонна сут етказиб берилмоқда.

– Олинган даромад, ав-



вало, хўжаликни кенгайтириш, ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланмоқда, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдумажид Садилов. – Эришилаётган муваффақиятларда Жумагул Тўлаганова, Ҳамдам Холиқов, Бахтиёр Худойберганов,

Анвар Почтамбоев сингари фидойи қорводорларимизнинг ҳиссаси катта. Келгусидаги режаларимиз ҳам кўп. Мақсадимиз фермер хўжалигини замон талаблари асосида янада ривожлантириш ва бошқа йўналишларда ҳам истиқболли лойиҳаларни амал-

га оширишдир. Жумладан, сутни ўзимизда қайта ишлаш, маҳсулот сифатини ошириш ва туруни қўлайитириш орқали экспортга чиқишни мўлжаллаганмиз.

Фермер яна бир хайрли ишни бошлаган. Мана бир неча йилдирки, хўжаликда қўпайтирилаётган зотдор қорамоллар маҳаллий аҳолига етказиб берилаяпти. Хусусан, шахсий томорқа эгалари 2017 йилда 102 бош, 2018 йилда 172 бош насли бузоқ олишди. Бу рақам жорий йилнинг биринчи чорағида 100 бошни ташкил этади. Бундай тажриба худудда шахсий қорвачилик хўжаликлари ривожлантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, эл дастурхонига тортиқ қилинаётган гўшт ва сут маҳсулотлари янада мўл-кўл бўлади.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Д. АҲМЕДОВ олган суратлар

